

Бундан ташқари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини «Хулоса» номли бутни бузиш учун юбордилар. У киши бутларни ўтда ёқиб юбордилар.

Жарир ибн Абдуллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар. У кишидан ўғиллари Абдуллоҳ, Мунзир, Иброҳим ва Қайс ибн Ҳозим, Абу Воил, Абу Зуръата ибн Амр ибн Жарир ва бошқалар ривоят қилишди.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу 50-ҳижрий йилда вафот этганлар.

Бу ҳадиси шарифдан Ислондаги уч муҳим амал ҳам баъзи байъатлардан қўшилганини билиб олмоқдамиз.

1. Намоз – Ислоннинг асосий беш рукнидан бири, диннинг устуни. У қоим бўлса, дин қоим бўлади.
2. Закот – Ислоннинг асосий беш рукнидан бири. Ҳар бир жамиятда иқтисодий масалаларни тўғри ҳал қилишнинг асосий гарови.
3. Ҳар бир мусулмонга яхшилик йўлида насиҳат қилиш ҳар бир жамиятнинг ижтимоий алоқаларини тўғри йўлга қўйишнинг асосий омилларидан биридир.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар, унинг ҳикмати ва аҳамияти очиқ-ойдин кўриниб турибди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан